

ФУҚАРОЛАР МУҲОФАЗАСИ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА 2-бет

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ 3-бет



ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — ЭРТАНГИ КУНИМИЗ 4-5-бет

МЕҲР-ОҚИБАТНИ ДАРИҒ ТУТМАНГ, АЗИЗЛАР 6-бет

ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 131 (9.934) / 2003 ЙИЛ 7 ИЮЛЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

❑ **АЙНИ** кунларда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида битирувчи талабаларга дипломлар топширилмоқда. ЎТГАН куни Тошкент Давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент молия институтларида талабалар иштирокида битирув кечалари уюштирилди.

❑ **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Марказий банкида банклар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда банклар фаолиятини янада яхшилашнинг янгича усуллари ҳақида сўз борди.

❑ **«СОҒЛОМ** авлод учун», «Қалб садоси» хайрия жамғармалари ҳамкорлигида ўтказилган семинар «Гиёвандсиз ҳаёт» деб номланди.

❑ **ТОШКЕНТ** ҳарбий округи қисмларида бир ой муддатга ҳарбий хизматга чақирилган заҳира аскарлар иштирокида тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

❑ **ЮНЕСКО** халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан шаҳримизда «Жамоат таълим марказларида янги ахборот технологияларидан фойдаланиш» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

❑ **ПОЙТАХТИМИЗ** тиббиёт муассасалари шифокорлари иштирокида уюштирилган илмий-амалий анжуман «Йод етишмовчилиги ҳоллари ва уни бартараф этиш йўллари» деб номланди.

❑ **ЙЎЛДОШ** Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрида «Дала сайли» деб номланган янги спектакль саҳналаштирилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**



**«Эрдон-нор» хусусий фирмасида тайёрланаётган мебель маҳсулотлари сифати ва рақобатбардошлиги билан харидорлар талабини қондирмоқда. Бу борада изланувчан мебелсозларнинг ҳиссаси каттадир.**

**СУРАТДА: ёғоч пармаловчи Равшан Абдукаримов ўз ишини пухта бажариши билан ажралиб туради.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

## «Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё минтақасидаги асосий давлатдир»

Мисрда чиқадиган «ал-Мустақбал» ҳафталик газетаси журналист Маҳмуд Сулаймоннинг «Миср ва Ўзбекистон муносабатлари барча соҳаларда ривожланмоқда» сарлавҳали мақоласини чоп этди.

Мақола муқаддимасида муаллиф ўқувчиларни мамлакатимиз бой тарихи, буюк аждодларимизнинг дунё маданияти равнақи йўлида қўшган ҳиссалари билан яқиндан таништириб, Ўзбекистоннинг араб дунёси, хусусан, Миср учун алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлайди. Шу ўринда у республикамизда мустақилликка эришгандан сўнг турли соҳаларда кенг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилаётганини кўрсатиб ўтади: «Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё минтақасидаги асосий давлатдир», деб қайд этади.

Хусусан, М.Сулаймон мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар ва қўлга киритилган ютуқлар ҳақида тўхталиб, «Ўзбекистон қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат бўлиб, унда фуқароларнинг барча сиёсий, диний ҳуқуқлари кафолатлангандир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати жамиятни янада демократлаштиришга қаратилган катта режаларни мўлжаллаган. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар ҳамда сайлов тизимидаги ислоҳотлар, хусусан, мамлакат Бош вазири, элчиларни тайинлаш каби ваколатларни парламентга топширилиши мамлакатда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштиради», деб ёзади.

Ўзбекистоннинг иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган ташқи ва ички сиёсатини ёритар экан, чет эл капиталини мамлакатимизга жалб этиш, йирик қўшма корхоналар тузиш учун хорижий ишбилармонларга яратилган имтиёзлар, қулай сармоявий муҳит тўғрисида ахборот беради.

Муаллиф «Ўзбекистон Республикаси 140 дан зиёд мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатди, уларнинг аксариятини Европа давлатлари ташкил этади. Айни пайтда Тошкентда 153 та Европа ширкатлари ваколатхоналари мавжуд», деб зикр этади.

**«Жаҳон» АА**

## ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

**Яқинда Тошкент Ислом университети қошидаги академик лицей битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.**

Академик лицейнинг илк битирувчиларини ушбу тантанали маросим билан қутлагани Тошкент Ислом университетининг профессор-ўқитувчилари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Тошкент шаҳар бошқармасининг масъул ходимлари, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари ташриф буюрдилар. Тадбирда битирувчиларга диплом топширилди, уларга олий ўқув юртларига кириб олишларида муваффақиятлар тилашди.

Бу йил академик лицейни 51 нафар ўқувчи муваффақиятли тамомлади. Улардан 10 нафарига имтиёзли диплом берилди, 15 нафар битирувчиси эса ўқув муассасини экстернат йўли билан 2 йилда тамомлади.

Академик лицейни тамомлаган битирувчиларнинг аксарияти ўқишни Тошкент Ислом университетида давом эттиришни ният қилганлар.

Тантанали маросимда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси З. Ҳусниддинов иштирок этди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**Япония ҳукумати Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш учун стипендия тақдим этиш грант лойиҳаси бўйича 2003 молиявий йилга мўлжалланган 58 миллион иена миқдорида беғараз ёрдам ажратди.**

## БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасида алмашув нотасини имзолашга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон ва Япония ўртасида барча жабҳаларда бўлгани каби таълим соҳасида ҳам алоқалар жадал ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Мазкур грант ўзбекистонлик талабаларнинг Япония олий ўқув юртларида таълим олиши учун ажратилди.

Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов ва Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато имзолади.

**ЎзА**

## XXI аср садоси

*Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар*

### Мамлакатимизда

● **Олий Мажлисда «Ўзбекистонда демократиянинг ривожланишига кўмаклашиш» лойиҳаси бўйича ЕвропаЭйд дастури доирасида «Қонунчилик мониторингининг механизмлари: мавжуд тажриба ва уни янада такомиллаштириш йўллари» мавзуидаги конференция бўлиб ўтди.**

● **Янги ўқув йилидан Қорақалпоғистонда талабалар учун яна бир олий ўқув юрти ўз эшикларини очади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Нукусда Тошкент Давлат аграр университетининг 2,5 минг талабага таълим беришга мўлжалланган филиали очилди.**

● **Андижонда Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги ва Обод маҳалла йилига бағишланган «Андижонни обод ўлкага айлантирамиз» номли кўрик-танлов бўлиб ўтди.**

● **Тошкентда «Владимир Довгань» таниқли Россия компаниясининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мазкур компания Ўзбекистон бозорига янги маҳсулотлари билан киришни режалаштирмоқда.**

● **Зангиота туманида рангли ёрлиқлар, қоғоз қутилар сингари қадоқлаш жараёнларида фойдаланиладиган матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Мистер-Принт» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.**

● **Олтиариқ тумани ғаллакорлари Фарғона вилоятида биринчи бўлиб давлатга ғалла топшириш бўйича шартнома режасини бажардилар. Давлатга 24 минг 500 тоннадан зиёд сара дон етказиб берилди.**

● **Наманганда очилган ярмаркада мамлакатимизнинг турли минтақаларида ишлаб чиқарилаётган 700 хилга яқин спорт кийимлари ва анжомлари намойиш этилмоқда.**

### Жаҳонда

● **Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди.**

● **БМТ Хавфсизлик кенгаши Ироқ-Қувайт чегарасини назорат қилиш бўйича БМТ миссияси ваколатини яна уч ойга узайтиришга қарор қилди.**

● **Швейцариянинг Женева шаҳрида 114 мамлакатдан вакиллар иштирок этган, тўрт ҳафта давомида ўтказилган Жаҳон радиоалоқа анжумани якунланди.**

● **Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ғайриоддий зотилжам эпидемияси хавфи бартараф этилганлигини билдирди.**

● **Москвада, Тушино аэродроми атрофида 1 килограмм тротил кучига эга бўлган кетма-кет иккита портлаш натижасида ўн олти киши ҳалок бўлди, олтмишга яқин киши яраланди. «Қанотлар» фестивалига кира олмасдан чипталар сотилаётган кассалар олдида ўзларини портлатиб юборган икки нафар террорчи аёл ҳам ҳаётдан кўз юмди.**

## Оламда нима гап?

### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● ХАМАС, ФАТХ, Ислом жиҳоди ташкилотлари Исроилга қарши уч ой давомида уруш қилмасликка розилик билдирганларидан сўнг, ушбу ҳафта аввалида Ғазо секторининг марказий ва шимолий қисмларининг назорати исроилликлардан фаластинликларга берилган эди. Яқинда Исроил армияси Вифлеем шаҳрини ҳам тарк этган. Қуддус шаҳрида Исроил ва Фаластин бош вазирлари Ариэль Шарон ва Маҳмуд Аббослар ўртасида бўлиб ўтган учрашув чоғида ҳам тинчликка эришиш борасида ижобий фикрлар билдирилган.

● Саудия Арабистони ҳукумати май ойи бошида мамлакат пойтахти Ар-Риёд шаҳрида юз берган террор актларидан буён ҳозирга қадар 124 киши «Ал-Қоида» ташкилотига алоқадорликда гумон этилиб, хибсга олинганлигини маълум қилди. Саудия ички ишлар вазири шаҳзода Найефнинг айтишича, улар орасида келиб чиқиши афғонистонлик бўлган шахслар ҳам бор. Ўтган ой охирида эса расмий Техрон ўз қамоқхоналарида сақланаётган саудиялик фуқароларни Ар-Риёд ихтиёрига берилишини айтган эди. Саудия эса улар орасида террор актида қатнашган кишилар бор, деган фикрда. Ўшандаги портлашлар туфайли 35 киши ҳаётдан кўз юмган.

● CNN агентлигининг хабар беришича, Испанияда турган Америка денгиз пиёда аскарларининг маълум бир қисми Либерияга жўнашга тайёргарлик кўрмоқдалар. Уларнинг бош вазифаси Либериядаги АҚШ элчихонаси хавфсизлигини таъминлашдир. Негаки, бугун Либериядаги вазият оғирлашган бўлиб, агарда фуқаролар уруши бошлангудек бўлса, денгиз пиёдачилари мамлакатда турган Америка фуқароларига кўмак берадилар.

● АҚШнинг 2,5 зиёд кинотеатрларида мухлислар томонидан 10 йил кутилган «Терминатор-3: машинанинг тирилиши» кинофильмининг тақдимоти бўлиб ўтди ва дастлабки прокатданоқ кинемотографдаги энг йирик миқдор — 4 миллион доллар тўплади.

● Кўп қаватли уйларга лифт хизматининг жорий қилиниши бежиз эмас. Биринчидан, вақт тежалади, иккинчидан қулайлиги бор. Айниқса оғир юкларни лифтсиз юқори қаватга олиб чиқишнинг ўзи бўлмайди. Махачқальадаги шаҳарчалар бирида яшовчи 103 ёшдаги онахон умри бино бўлиб лифт хизматига умуман мурожаат қилмаганига ишонмаслигингиз мумкин. Аммо ҳақиқат ҳам шундай. Онахон Аминат Муртазалиева лифтсиз пастга тушади, зинадан яна юқорига кўтарилади.

**• ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ**

# ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ — АМАЛИЁТ ТАЯНЧИ

**«Фалокат — оёқ остида» деган нақл бежиз айтилмаган. Фан-техника тезкорлик билан илдамлаётган асримизда ҳар бир инсон ўзини содир бўлиши мумкин бўлган турли нохуш ҳодисалардан, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қила олиши лозим. Давлат эса юрт тинчлиги, элу юрт фаровонлиги йўлида ўз ҳудудининг ва фуқароларининг муҳофазаси йўлида барча чора-тадбирларни кўриши табиий ҳолдир.**

Бу борада Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг шахсий таркиби фуқаро муҳофазасига оид қонунлар ва ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш, ушбу соҳадаги муаммоларни бартараф этиш йўлида бевосита шаҳар ҳокимлигининг асосий режаларига асосан қатор тадбирларни ўтказиб келмоқда.

Куни кеча шаҳар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминловчи, давлат аҳамиятига эга бўлган, аҳоли учун муҳим ҳаётий, кундалик зарур «Бўзсув» сув омбори— Бош водопровод иншоотида фавқулодда вазиятларга корхона ишчи-хизматчиларининг ва раҳбариятнинг тайёргарлик даражаси, бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва бу соҳадаги билимларни амалда қўллаш ва фуқаро муҳофазаси кучлари билан ҳамкорликда хизмат қилиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида кўргазмали махсус ўқув машғулоти бўлиб ўтди.



— «Бўзсув» бош водопровод иншооти шаҳарнинг қоқ ўртасига жойлашган ва у шаҳарнинг асосий қисмини сув билан узлуксиз таъминлаб туради, — дейди биз билан суҳбатда «Бўзсув» бош водопровод иншоотининг бош муҳандиси Ҳикматилла Пўлатов. — Ичимлик сувини тозалаш мақсадида асосан суюқ хлордан кўп миқдорда фойдаланилади. Кимёвий, хавфли таркибга эга бўлган хлордан фойдаланишда эҳтиёткорлик ва ўта сезгирлик талаб этилади. Ҳар бир ишчи-хизматчи хлор чиқиб кетиши хавфи туғилса ўзини ва ўзгаларни ҳимоя қилиш, хавфни бартараф этишда кўникма ҳосил қилишлари йўлида доимий равишда машғулотлар ўтказиб турамиз. Бугунги ўқув-машғулоти ҳам айнан мана шу мақсадни кўзлаб ташкил этилмоқда.

Ўтказилган махсус тактик машғулотда Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси раҳбарлигида фуқаро муҳофазаси хизматлари кучлари мувофиқлаштириб борилди. Амалий машқда шаҳар ҳаётини таъминловчи барча хизматларнинг раҳбарлари, ишчи ва ходимлар бевосита тўғри ҳаракат қилишни ўрганиш мақсадида машғулотда қатнашдилар.

Машқда иштирок этган шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси зобитлари ва қутқарув хизмати қутқарувчилари, ИИББ қўриқлаш, ёнғин хавфсизлиги ва йўл хавфсизлиги хизматлари, тиббиёт ва Санитария-эпидемиология маркази, Юнусобод туман Қизил Ярим Ой жамияти, Ободонлаштириш бошқармаси ва иншоот тузилмалари ўзларининг профессионал даражадаги тайёргарлик, билим ва тажрибаларини намоён этдилар.

Ўқув-машғулоти Тошкент шаҳар фуқаро муҳофазаси бошлиғи ўринбосари, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, полковник Эргаш Икромов бошчилигида ўтказилди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Бўзсув» бош водопровод иншоотида ўтказилган ўқув-машғулотидан лавҳалар.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**





# БАНК БИЗНЕСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

**Барчамизга маълумки, банк муассасасининг асосий фаолиятига жалб этилган маблағлар ҳисобидан кредитлашни амалга ошириш киради. Агар банк кредитлаштириш борасида муаммолар сезадиган бўлса, инвесторлар, жамият ва унинг обрў-эътиборига зарар етиши мумкин. Ишчанлик обрў-эътиборини йўқотиш эса, банк капиталининг камайишига олиб келади, банк мижозлари ва жамият томонидан қўллаб-қувватланишдан маҳрум бўлади, бизнесни ривожлантириш имкониятлари ёмонлашади.**

Қарз операциялари устидан назоратда директорлар кенгаши ўта муҳим роль ўйнайди. Ҳар бир банк миқдорий мўлжалга эга бўлган ва банк фаолиятини йўналтирувчи кредит стратегияси ёки режасини ҳамда мос сиёсат ва тадбирларни ишлаб чиқиши лозим. Кредит стратегияси ва сиёсат банк директорлар кенгаши томонидан камида ҳар йили бир марта қайта кўриб чиқилиши лозим.

Стратегия банкнинг қарзларни уларнинг турларига, иқтисодиётнинг тармоқлари, географик ҳудуд, валюта, қайтариш муддати ва кутилаётган фойдалилик миқдорига боғлиқ ҳолда тақдим этиш мақсадларини ифодалаши лозим. Шунингдек банкнинг мақсадлари бозорларни ва банк эришишни истаган портфелининг умумий кўрсаткичларини белгилаб олиш зарур. Кредит стратегияси ёки сиёсати узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган бўлиши керак. Шунинг учун иқтисодий конъюктуранинг даврий тебранишларини ва умумий кредит портфелининг таркиби ва сифатдаги ўзгаришларни ҳисобга олиш лозим бўлади.

Банк ўзи учун кредит беришнинг мезонларини аниқлаб олиши лозим: ким қарз олиши мумкин ва қанча миқдорда, банк қандай шаклдаги қарзлар беради ва қандай шартлар асосида. Банк кредит олувчи билан боғлиқ хатарни батафсил ўрганиш учун етарлича ахборот олиши керак. Қарз бериш банк томонидан хатарни қабул қилиш ва фойда олишни назарда тутади. Қарз бериш керакми ва қандай шартларда бериш керак деган саволга жавоб беришда, банклар хатар-даромадлилик нисбатини нархли ва нархсиз (масалан, таъминот) шартларини инобатга олишлари керак.

Кредит аризаларини кўриб чиқишда банклар қарзлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун заҳиралар шакллантириш зарурлигини ва капиталнинг қарзларни кутилмаган зарарларни қоплаш учун етарли даражада ушлаб туриш лозимлигини ҳисобга олишлари керак.

Банклар алоҳида қарзлар бўйича хатарларни чегаралаш учун таъминотдан фойдаланадилар, бироқ қарор кредит олувчининг ўзи мустақил равишда қарз қоплай олиш имкониятидан келиб чиқиб қабул қилиниши керак. Таъминот қарз олувчини яхшилаб ўрганишни ва у ҳақида ахборотлар етишмаслигининг ўрнини боса олмайди. Шуни ҳисобга олиш керакки, қарздорликни ундириб олиш бўйича тадбирлар битимдан келадиган фойдани нолга тенглаштириб қўйиши мумкин.

Банкда манфаатлар зиддияти бор ёки юз бериш эҳтимоли бўлганда, қарздор ҳақида барча зарур маълумотларни ҳеч бир тўсиқсиз олиш имкониятини таъминловчи чораларни қўллаш лозим.

Умуман айтганда, барча бошқа даромад топиш билан боғлиқ соҳаларда бўлгани каби, банк бизнесининг самарадорлиги, банк ишини ҳеч бир нуқсонларсиз ташкил этишга боғлиқ.

**М. МАМАЖОНОВ,**
**И. НАЖМИДДИНОВ.**
**Тошкент молия институти II-курс магистрантлари.**

**Тошкентда республика "Тадбиркор аёл" уюшмаси АҚШнинг Тинчлик институти билан ҳамкорликда бизнес соҳасидаги музокаралар ва муаммолар муҳокамасига қаратилган илмий анжуман ўтказди. Унда пойтахтимиз ва вилоятлардан келган тадбиркор аёллар иштирок этишди.**

## Илмий анжуман

Иқтисодий ислоҳотларда тадбиркорлар фаолиятини ривожлантиришда аёлларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш мамлакатимиз сиёсатининг бош мақсадларидан биридир. Тадбиркор аёллар уюшмасининг юртимизда кичик ва ўрта бизнес тараққиётида аёллар ролини ошириш мақсадида хорижий ишбилармонлар иштирокида турли илмий-амалий семинарларни ташкил этаётгани ҳам бу борада ўз самарасини бермоқда.

Мазкур анжуманда уммон орти мамлакатининг бизнес ва тадбиркорлик соҳасида катта тажрибага эга бўлган икки нафар мутахассиси турли мавзуларда маърузалар ўқишди.

Анжуман давомида ҳамюртларимиз томонидан берилган турли саволларни эшитиб, хорижлик тадбиркорлари фаолияти ва иш услубига уларнинг бефарқ эмаслигига яна бир бор гувоҳ бўлдик.

**«Туркистон-пресс»**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Хушфеъл одам доимо роҳатда бўлади, уйқусида ҳам қўрқмайди. Чунки инсон бедорликда нимани одат қилган бўлса, уйқусида ҳам ўшани кўради.

● Ота-онангга қандай муомала қилган бўлсанг, фарзандларингдан ўша муомалани кут.

● Таъмагир бўлмаслик зарурки, балоларнинг хилма-хили ана шу таъмагирлик сабабли юз беради. Одам арзимас нарсаларга ҳам жаҳлини чиқаравермаслиги керакки, кишига жаҳлдан ҳам кучлироқ душман йўқ. Чунки жаҳли чиққан одам ўзини билмайди.

● Ҳинд ҳакими айтади: сабру чидамли одам пушаймонлик тортмайди: кам қийналган одам кам роҳат топади. Уялиш бешарга чирой, кексаларга айб. Ботирлик аскарларга чирой, ўғриларга эса айб. Уч тоифа одамни кўрмай туриб ҳам севиш мумкин: олимни, сахийни ва одил кишини.

● Анушервон Бузуржмехрдан сўради:

— Бахтли одам ким?

— Уч нарсани уч нарса билан безаган, яъни фикрини тўғрилик билан, сўзни ростлик билан, феълни саховат билан, — деди у.

Яна сўради:

— Номуносиб дўстдан қандай қутулса бўлади?

— Зиёратига бормаслик ва нарса сўрамаслик билан, — деди у.

Яна сўради:

— Покиза инсонлардан қандай узр сўралади?

— Ҳожатини раво қилиш билан.

Яна сўради.

— Яширин сирлар қачон ошкор бўлади?

— Мастликда.

У сўрашда давом этди:

— Кўришдан кўзга қувват ва нур ҳосил қиладиган нима?

— Вафодор хотин ва қобил фарзандлар, — деди у.

Яна сўради:

— Жондан ҳам ширин нарса нима?

— Беғараз дўст суҳбати, — деди у.

— Аччиқ бўлса-да, ўта ширин нима?

— Кучли ғазабни ичга ютиш, — деди у.

**Байт:**

**Дунёда қолдими кўрмаган нарсам,**
**Кўрдим деб гердайма, не кўрибсан кам,**
**Бир одам қалбини овлай олдингми?**
**Инсон қалбидан борми кенг олам?!**

● Ўзидан бошқани билмайдиганлар мислсиз фазилатлар ахтарадилар.

● Барча мақтанчоқларнинг бирдан бир қисмати шуки, улар эртами-кечми, ҳар қалай панд ейишади.

● Баъзи кишилар ўзларининг кучи ва қудрати етмаган нарсага беҳуда интиладилар. Бу ишнинг уддасидан чиқишга имконлари бўлмагач, обрўни кетказмаслик учун қўлларини силтаб: «Бўлмаган нарса ҳеч фойдасиз, бўлганидан бўлмагани яхши, кони зиён», деб уни ёмонлаш пайида бўладилар.

ҲИКОЯТ. Бўри билан шер ўзаро келишиб овга чиқдилар. Бир ерга етиб келишгач, бўри шерга қараб: «Қўйларнинг овозини эшитяпсанми? Ҳозир мен улардан бирини тутиб келаман. Сен овора бўлмай шу ерда тураққол», — деди ва бирга бормоқчи бўлган шерни бормасликка, бу ишни бир ўзи осонгина уддалай олишига кўндирди. Ҳовлиқиб қўйлар томон йўл олган бўри қўйларни баланд девор билан ўралган қўтон ичида эканлигини ва чўпонларнинг бақириб-чақириб юрганини кўрди. Девордан ошиб тушишга юраги бетламай, ночор орқага қайтди ва шерга деди:

— Бу ердаги қўйларнинг ҳаммаси орқ экан, уларга вақт сарфлаб ўтиришга ҳам арзимайди. Бироз семиришсин, ўшанда келамиз.

**Байт:**

**Такаббурлик — жонсиз бир мато,**
**Ювса калта, қилмагин хато.**

---

**• ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ**

# МЕҲНАТ— УМРИМ БЕЗАГИ

**Драматург, ҳажвчи Абдуғани Абдуғафуров гарчи Қирғизистоннинг Ўш вилоятида туғилиб, ўша ерда катта бўлган бўлсада, унинг ижоди бевосита Ўзбекистон билан боғлиқ. Сабаби унинг кўпгина драматик асарлари биринчи навбатда ўзбек театрларида қўйилади. Шеърий-насрий китоблари бизнинг нашриётларимизда чоп этилади. У қирғиз адибларининг энг яхши асарларини ўзбек тилига, ўзбекистонлик кўплаб қалам аҳлларининг китобларини қирғиз тилига ағдариши билан моҳир таржимон сифатида ҳам аллақачон тан олинган. Икки халқ дўстлиги алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилаётган биродаримизни 60 ёши билан қутлаб қуйида у билан бўлган мухбиримизнинг суҳбатини ва Абдуғани Абдуғафуровнинг махсус «Оқшом» учун йўллаган ичак узди ҳангомаларини эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.**

**— Абдуғани ака, олтмиш ёш — инсон умрининг биринчи босқичи. Бинобарин, ортга бир қараб ҳисобот берадиган ёш. Болалик йилларингизни эслаб кўринг-чи...**

— Отам Ғафур Мақсум асли марғилонлик. Фалакнинг гардиши, қирғиз дўстларининг таклифи билан ўттизинчи йилларда Ўшга келиб қолган. Бобур қадамжо этган бу кўҳна шаҳарда ярим асрдан ортиқ истиқомат қилса ҳамки, туғилган жойининг мулойим шевасини покиза сақлаган.

Ҳаккам-дуккам мўйлов чиқа бошлаган пайтим. Дарвозамиз тақиллади. Чиқсам, Юсуфжон қизиқ, Шаршен қизиқ, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқовлар туришибди. Тез-тез ташриф буюришгани учун дарров танидим.

— Дадаларингиз шатталарми? — бароқ қошларини чимирди Юсуфжон қизиқ. Мен гўё шевани фаҳмламагандай жавоб қилдим:

— Дадамлар шатталар, гоҳида тепарлар...

Ўшанда ўзбек санъатининг буюк дарғаси билан қаҳқаҳа аралаш қучоқлашиб кўришганимдан умрбод бахтлиман. Улғайиб, кулгига ошно бўлганим, ҳажвиётда машқ бошлаганим ҳам ўша машҳур санъаткорларнинг файзиёб суҳбатлари таъсири бўлса не ажаб.

Юсуфжон қизиққа аталган «Кулги зарби» номли комедиям Фарғона вилоят театрида саҳна юзини кўриб, кейин «Шарқ юлдузи» журналида тўлалигича чоп этилгач, бу йўлга астойдил бел боғладим.

Энди ўтмишга бир нигоҳ ташлайлик. 1941 йилнинг 17 декабрида Ўш шаҳрида дунёга келганман. Ўрта мактабни тамомлаб, соатсоз уста бўлиб ишладим. Ўш давлат педагогика олийгоҳининг тарих куллиётини 1966 йили, Москва олий партия мактабини 1978 йили сиртдан тамомладим. Ўқитувчилик қилдим. 1964 йили вилоят газетаси муҳаррирлигига ишга ўтдим. Адабий ходим, масъул котиб ўринбосари, бўлим мудири вазифаларини бажардим.

**— Сизда театр санъатига ҳавас қачон уйғонган?**

— Ёшликдан драма тўгаракларига қатнашиб юрганимданми, театр санъатига кўнгил қўя бошладим, кичик саҳналар, интермедиялар машқ қилдим. 1968 йили дастлабки «Пушаймон» номли комедиям Ўш ўзбек театрида саҳнага қўйилди. Кейин ҳамкасб дўстларим Омонилло Аҳмедов ва тошкентлик Маҳмуджон Комилжоновлар билан ҳамкорликда Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» ва Шароф Рашидовнинг «Кудратли тўлқин» романларини саҳналаштирдик. Иккала асар ҳам театрда қўйилиб, катта шов-шувга сабаб бўлди.

1973 йили июль ойида Ўш ўзбек театрига директор қилиб тайинландим. Хизмат тақозоси билан тез-тез Тошкент, Фрунзега (ҳозирги Бишкек) борадиган бўлдим. Комил Яшин, Уйғун, Иззат Султон, Туроб Тўла, Ҳабиб Раҳмон, Ҳафиз Абдусаматов, Муҳсин Қодиров, Эркин Воҳидов, Шуҳрат каби адабиёт, санъат дарғалари билан бевосита мулоқотда бўлдим, дўстлашдим.

Тўқтабўлат Абдумомунов, Чингиз Айтматов, Жалил Содиқов, Мирзабек Тойбаев, Мар Байжиев, Таш Мияшев, Бексултон Жакиевлар билан тиғиз ижодий алоқа боғлаб, уларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилдим.

**— Бишкекда, Тошкентда қирғиз тилида қатор китобларингиз нашр этилди. Камолот пиллапояларидан юқори кўтарилдингиз. Ана шу қувончли дамлар ҳақида...**

— 80-йиллар бошида Тошкент телевизион миниатюралар театри, унинг ижодкорлари Эргаш Каримов, Ҳасан Йўлдошев, Алп Жамоллар билан ҳамкорлик қилдим. «Ҳадик», «Яримта ғишт», «Васваса», «Сиздан угина» каби ўнлаб миниатюраларим ҳар ҳафтада «Зангори экран»да кўрсатилаверди. «Муштум» журналида ҳажвия ёки миниатюра чоп этиш минг катла шукурки, мен учун муаммо бўлмай қолди. 1977 йили «Муштум» кутубхонаси» сериясида «Сиз бир ёндан, биз бир ёндан» деган ҳажвий ҳикоялар тўпламим Тошкентдаги «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилди.

«Куйдирмаган кундош», «Топқир Толмас», «Гипноз-2», «Ўғрини қароқчи урди» номли комедияларим 80-йиллар ўрталарида Фарғона, Сирдарё, Тоғли Бадахшон, Душанбе, Ленинобод, Чкаловск, Оренбург, Доғистон театрларида ўзбек, тожик, рус, даргин тилларида саҳнага қўйилди. Тошкентдаги Муқимий номли ўзбек мусиқали театрида «Анқовлар чайқови» номли комедиям саҳнага қўйилиши драматургия жанридаги ижодимда муҳим босқич бўлди.

Бишкек нашриётлари, қирғиз ёзувчи дўстларим ҳажвий ҳикояларим, пьесаларимни қирғиз тилига таржима қилиб, биринкетин «Аталар мураси», «Тойго кошумча», «Сыйлык болуштурyу» деган номлар билан китобларимни нашр этишди. Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви ва ҳайъати аъзолигига сайландим. Республика журналистлар уюшмаси бошқарувига аъзо бўлдим. Қирғизистон театр арбоблари уюшмасига қабул қилиндим.

Қирғиз ва ўзбек халқлари ўртасида дўстликни, адабий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссам юксак баҳоланиб, 1977 йили Қирғизистон Олий Кенгашининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотландим. 1980 йили май ойида Қирғизистон Олий Кенгашининг фармони билан «Қирғизистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби» деган фахрий унвон олдим.

«Халқ душмани», «Куйдирмаган кундош», «Курвонжон додҳо», «Топқир Толмас» деган пьесаларим социалистик реализм деб аталган ғоядан ҳоли бўлганлиги учун бугунги кунда ҳам ўз актуаллигини йўқотмади.

90-йиллар ўрталарида Тошкентдаги «Чўлпон» нашриётида «Юсуфжон қизиқ ва ўшлик Абсалом афанди», Ўш босмахонасида қирғиз, рус, ўзбек тилларида «Ҳангомалар» номли, 2000 йили эса «Ўшнинг оқил фарзандлари» номли китобларим нашр этилди. Ҳозирги ёзувчилик бисотимда 20 пьесам ва 8 та китобим мавжуд.

Миллатлараро бирдамликни мустаҳкамлашга қаратилган мақолалар туркумини ташкил этганлигим учун 2000 йили Қирғизистон журналистлар уюшмасининг Асилкан Борубаев номли мукофотини беришди. Бу менгагина эмас, «Ўш садоси» муҳарририяти-даги барча қаламкаш ҳамкасбларимга ҳам берилган мукофот деб биламан. Дарвоқе, айни дамда «Ўш садоси» вилоят газетасида бош муҳаррирман.

**— Оилангиз ҳақида икки оғиз...**

—Уйланганман. Умр йўлдошим Эргашхон асарларимнинг биринчи ўқувчиси, биринчи танқидчиси, биринчи маслаҳатчим. Бирор асар ёзганимда ўқиб, машинкалаб бир қувонса, нашр этилганда, қалам ҳақи олганимда яна бир қувонади. Зеро, олти фарзандим — Дилором, Дилфуза, Дилбар, Раъно, Нодир, Давронларни улғайтириш, эл қаторига қўшиш, улар қурган олти оиланинг, ўн тўрт неварамнинг эҳтиёжи ва муаммолари айтишгагина осон.

**— Султон Ибраимов номли Ўш қирғиз драма театрида «Сизни эмас, сизни севаман» номли комедиянгиз қўйилиши катта шов-шувга сабаб бўлди. Яқинда унинг расмий премьераси ўтказилиши билан кутлаймиз. Сиз кулги устасига сиҳат-саломатлик тилаймиз!**

**Суҳбатдош**
**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.**

---

**• ҲАЖВ ДАФТАРИДАН**

## ҒАМИНГ БЎЛМАСА, ҚАРЗ БЕР

— Қанақа эркаксиз? Анаву бўйнинг тагига қолгурга пул берганингизга мана бугун роса ўн ой бўлди. Ўшанда уйланган йигит хотинини аллақачон туғдирди. Боринг, жувонмаргнинг ҳалқумидан олинг.

— Ишдан чарчаб келувдим, аяси, шунча кутган яна...

— Э, латта чайнаган одамсиз-да. Боринг деяпман. Ўша пул ўн ойда биласизми қанча «процент» туғади? Ўндан бўлса, ойига беш минг, йиғимадан бўлса, ўн минг. Эҳ-ҳе...

— Боришга бораман-у, уйидамикин...

— Уйида бўлмаса, кутиб ўтиринг. Ярим кечагача бўлса ҳам кутинг, икки оёқни бир этикка тиқинг...

Мирғиёс айвонга кириб, қарз олган Тухватуллога эринибгина қўнғироқ қилди. Уйида экан, «ҳозир бораман» деди.

Қоронғи тушиб қолгани учун таксичи ҳам уч баравар ҳақ олди. Алам қилган Мирғиёс такси эшигини тарақлатиб ёпди.

Тухватулло дарвозани очдию, Мирғиёсни бадбўй ҳидга дуч келгандай жирканиб қабул қилди.

— Нима қилиб қўйдингиз? — жеркиди Тухватилло, — телефон қилдингиз-у, хотинимнинг қон босими ошиб кетди. «Скорий» чақирдим. Билиб турибман нимага келганингизни. Хотинингизнинг зуғуми билан келгансиз. Арзимаган пулни деб бир бегунох одамнинг ўлимига сабаб бўлсангиз яхшими? Уят! Биз қочиб ё кўчиб кетаяпмизми?

— Инсоф қилинг, ахир ўн ой бўлди-я.

— Ўн ой нима бўпти? Одамлар йиллаб кутаяпти. Шуни билиб қўйинг. Агар хотинимга бирор кор-ҳол бўлса, бошингиз билан жавоб берасиз. Мен сизни соғ қўймайман. Иккита ўлим бўлса, «сизни еймиз» деб енг шимариб туришибди.

Шу пайт «скорий» келди. Дўхтур уйга кириб, беморни кўриб-кўрмаёқ ташқари чиқди.

— Уй эгаси ким?

— Мен, — Тухватулло дўхтирга яқин борди.

— Келганимизга, яъни бензин ҳақи 120 сўм, менинг хизматим 180 сўм, дори-дармонга 220 сўм, ҳаммаси 520 сўм. Тезроқ узатинг, бизни кутишяпти.

— Эшитдингизми? Тўланг! — ўкрайди Тухватулло.

Ранги оқарган Мирғиёс чўнтагидан 520 сўм чиқариб, дўхтурга узатди.

— Гап шу! — Тухватулло кўрсаткич бармоғи билан дарвозани кўрсатди.

— Иккинчи яна бизни безовта қилсангиз, оёғингизни синдирамиз. Кўприкка тушасиз. Қани, «марш отсюда»!

Мирғиёс дарвозадан отилиб чиқди. Тор кўчадан катта йўлга чиққач, енгил нафас олди:

— Қутулганимга шукур...

## КЎНГЛИ ЁШ ҚАРИЯ

Кўнгли ёш, бадавлат қария шаҳарлараро автобусга чиқиб, мини юбкали қизнинг ёнига ўтирди.

— Синглим, агар юбкангизни яна икки энлик кўтарсангиз, эллик доллар берардим, — дейди қария.

— Икки энликми, марҳамат, — дея қиз эллик долларни картмонига яширди. Бироздан сўнг қиз таклиф қилди:

— Хоҳлайсизми, мен сизга кўр ичагим кесилган жойни кўрсатаман. — Яна эллик доллар берасиз. Севиниб кетган қария шартта эллик долларни узатади. Қиз эса ойна тарафни кўрсатади:

— Қаранг-қаранг анаву касалхонада менинг кўр ичагимни кесишган...

## ОТСА-ОТАВЕРСИН

Узоқ Сибирь тайгасида самолёт ҳалокатга учради. Унда жуда катта миқдорда пул бор эди. Тезкор гуруҳ ҳалокат юз берган жойга етиб келди. Пулдан асар ҳам йўқ. Аммо қордаги одам излари гуруҳни маҳаллий фуқаронинг кулбасига олиб келди. Афсуски, у рус тилида бирор сўзни билмасди. Яқин қишлоқдан таржимон топиб келишди.

— Сўра-чи, — буюришди тезкор гуруҳ терговчилари. — Пул қаерда экан?

Таржимон сўради. Фуқаро «билмайман», деди.

— Билмайман, деяпти, — деди таржимон.

Терговчилар бошлиғи тўппончасини чиқарди:

— Унга айт, агар шу заҳоти пул қаердалигини айтмаса, уни отиб ташлаймиз.

Фуқаро бу гапнинг таржимасини уққач, кўзлари олаяди, титрайди ва тан олади:

— Пул кулбадан шимол томонга йигирма метр юрилганда дуч келадиган катта қайин тагига кўмилган.

Таржимон бу гапни терговчига таржима қилади:

— Отса-отаверсин, пул қаердалигини билмайман деяпти...

**Абдуғани АБДУҒАФУРОВ**

• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

**Кўзларида шижоат, юришлари шахдам, алп қоматли йигит менга кулиб, қўли кўксида ёнимдан ўтиб Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети биносига кириб кетди. Устоз сифатида бу талабанинг саломига алик олдим-да, хаёлан мен бу йигитчанинг катта бир илмий амалий анжуманда иқтисодий йўналишдаги маърузасини эшитиб, келажагимиз ишончли қўлларда, эртага бу ёшлар юртимиз равнақи учун, иқтисодий омилларни тезкорлик билан ҳаётга татбиқ қиладиган юрт эгаларидир деб орзу қилганим ёдимга тушди.**

# ПАРВОЗИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, ЎҒЛОН!

Мен иқтисод факультетининг II курс талабаси Сардорбек Нишонхўжаевни аълочи, жамоат ишларида фаол эканлигини, «Камолот» ҳаракати дастурига янги-янги таклифлар билан қатнашаётганлигини дўстлари, курсдошлари билан суҳбатда билиб олдим. Сардорбек ҳозирда Ўзбекистон билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда Россия, Корея, АҚШ, Германия каби ривожланган мамлакатларнинг фикр ва мулоҳаза, таклифларини ўрганиб чиқмоқда.

Масалан, факультетда талабалар ўртасида ўтказилган илмий-амалий анжуманда «Жаҳон нефть-газ бозорининг ривожланиш босқичлари» тўғрисидаги қизиқарли маърузаси билан қатнашди.

Сардорбек Нишонхўжаев билан суҳбатлашганимда, унинг яқинда Талабалар шаҳарчасида «Бугуннинг ёшлари ҳуқуқини биладими?» мавзуидаги анжуманда «Демократик жамиятда ёшлар муаммоси» мавзуидаги маъруза билан қатнашганини, ёшлар ўз ҳуқуқ ва билимлар мезонини шакллантириб бориши демократик жамиятнинг мустаҳкамлигига кафолатдир, деб таъкидлаб ўтганини эсладим.

У шундай фикрни ёшлар ва ёш давлатлар вакиллари ҳар вақт қўллаб-қувватлаши кераклигини ёниб гапирди.

Ёш, иқтидорли талаба билан суҳбатлашганимда ич-ичимдан ҳузурландим. Бу ўсмир йигитнинг кенг қамровли, мулоҳазали фикри унинг бугунги кунда имкониятларни ишга солиб, энг янги ахборот тизими орқали ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий билимлар билан бирга Шарқ фалсафасининг буюк намояндаларининг асарларини қизиқиб ўрганиши, саволларга берган жавобидан кўринади. II курс талабаси ҳозирда Интернет ахборотидан кенг кўламда фойдаланиб, янги-янги режаларни ҳаётга татбиқ қилиш ниятида экан. Ҳозирда Сардорбек Нишонхўжаев радио, телевидение, газета ва журналларда иқтисодий йўналишдаги ахборот, хабар, янгиликларни ёритиш билан ўз билим салоҳиятини ошириб бормоқда.

Сардорбек интилаётган чўққи нурли, келажаги порлоқдир. Унинг бугунги демократик жамиятнинг ёш фуқароси сифатида халқимизга, Ватанимизга содиқ иродали, билимли, етук шахс бўлиб вояга етишини тилаб қоламиз.

**Азизахон ЗАЙНУТДИНОВА,**
**олима, профессор.**

• ИЗҲОР

# БАРКАМОЛЛИК САРИ



**Дилором БЕРДИЕВА,**
**Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби:**

— Инсон ўз ҳаётининг ўтаётган кунларини сарҳисоб қилгудек бўлса, шодлик-қувончга йўғрилган кунларни кўз олдига келтиради. Қани энди иложи бўлса-ю бу дамларни орқага қайтариб, яна гувоҳи бўлсанг. Йўқ, дўстим, вақт аталмиш олий ҳакам доим олдинга ўз отини қамчилайди. Улгурсанг умрингни гўзал воқеалар билан завқли ўтказ, улгурмасанг чархпалакка маҳлиё бўлиб қолавер. Яхшиси, маҳлиё бўлишдан кўра катта ишларни амалга ошириб, кимлигингни кўрсат... Имкониятларку бор, сен ўйлагандан ҳам бисёр. Чунки бунга ўзим бир неча бор амин бўлдим. Сенинг қилган ишларингни қўллаб-қувватлайдиган, илмнинг, фаннинг қадр-қимматини ва заҳматини сезаётган азиз инсонлар ва Юртбошимиз бор.

Мен бу билан баландпарвоз сўзлару мақтовлар қилишдан йироқман азиз тенгдошим. Чунки ўзим 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтини имтиёзли тамомлаб талабалик даврида бир неча илмий ишларни амалга ошириб, китоб ҳолида чоп эттирдим ва 2002 йили Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Ҳаётимда туб бурилиш ва гўзал онлар бошланди. Чунки Давлат мукофотига эришиш ҳам шараф, ҳам масъулиятли. Масъулиятни адо этиш инсоннинг ўзига, яратилган шарт-шароитларга боғлиқ. Ижодда тўхтамаслик, ўз устида тинимсиз ишлаш ижобий натижалар бераркан. Институтни тамомлаб жаҳон иқтисоди, халқаро муносабатларга қизиқишим туфайли иккинчи мутахассислик бўйича Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг II-курс талабаси бўлдим. Ҳозирги кунда курсни аъло баҳоларга тугатдим. Ўқиш билан бир қаторда ҳозирда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар кенгашида тиббий-ижтимоий марказ ва «Меҳр-шафқат» хизмати раҳбариман. Ўз ишимдан мамнунман. Шифокорлик билан раҳбарлик аввалида қийин бўлган бўлса ҳам, инсонпарварлик йўлида тинмай холис меҳнатини аямаётган ҳамкасбларим ичида ишлаш ҳам мазмунли, ҳам мароқли.

Ҳа, баркамоллик пойдевори инсоннинг саҳийлиги, софдиллиги, инсонпарварлиги, ўзгаларнинг меҳнатини қадрлаш, ўз устида ишлаш билан бунёдга келади.

Азиз тенгдошим, баркамоллик сари интил, токи сенинг қилган ишларинг, айтган сўзларинг тарихда зарҳал ёзувлар ила муҳрланиб қолсин.

• АНЖУМАНЛАР

# ҒОЛИБ ГУРУҲЛАР АНИҚЛАНДИ

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш, боқимандалик кайфиятидан халос қилиш, тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқариш, уларда бозор иқтисодиёти кўникмаларини, мулкка эгалик туйғусини шакллантириш, уларнинг тафаккурида ҳақиқий мулкдорлик туйғусини тарбиялаш учун тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит яратиш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.**

Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши биносида «Ёшларда тадбиркорлик туйғуларини шакллантириш» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент Маркази томонидан ўтказилган ушбу тадбирда асосан пойтахтимиздаги олий ўқув юртларининг иқтисод йўналишида таҳсил олаётган талабалари иштирок этишди.

Бугунги ёшларимиз орасида боқимандалик кайфиятида юрган, енгил-елпи ҳаёт кечираётган ёки бизнесни олиб-сотарлик қилиш, деб тушунадиганларни ҳам учратиш мумкин. Шунақа иқтидорли ёшлар ҳам борки, улар ўзларидаги билим ва тажрибаларини амалга татбиқ қилиш учун турли хил қийинчиликларга дуч келиб, қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезишади. Келажагимиз эгалари бўлган бу иккала тоифадаги ёшларимиз учун ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун маълум йўналишларни кўрсатиш ҳамда шароит яратиш, ҳақиқий тадбиркор қандай бўлиши кераклиги ҳақида тушунча бериш долзарб вазифадир. Семинар-тренингни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад айнан мана шунга қаратилган.

Семинар-тренинг қизиқарли ва ўзига хос услубда ўтказилди. Куннинг биринчи ярмида иштирокчилар ёш тадбиркорнинг устунлик ва камчилик томонлари, бизнесдаги янги имкониятларни аниқлаш, истиқболли ижобий бизнесни танлай олиш каби йўналишлар бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлишди. Тадбирнинг иккинчи қисмида сармояни қандай жалб қилиш ва маблағсиз бизнесни қай тариқа бошлаш йўллари ўргатилди.

Анжуман сўнггида тақдимот натижаларига асосан ғолиб гуруҳлар аниқланди ва уларга ташкилотчилар томонидан мукофотлар тақдим этилди.

**Лобар БЕГМАТОВА,**
**талаба.**

# Камолот





**Билимли, иқтидорли, изланувчан ёшларимиз эртанги кунимизнинг муносиб ворисларидир.**

• СЕМИНАРЛАР

# «ЎЗ УЙИНГНИ, ЎЗ ЮРТИНГНИ ЎЗИНГ АСРА!»

**Куни кеча шаҳримиздаги барча умумтаълим мактабларида охирги қўнғироқ жаранглади ва қуйи синфлар ўқувчиларининг аксарияти ёзги таътилга чиқишди. Юқори синф ўқувчилари эса билимларини мустаҳкамлаш борасида имтиҳонларни топшириб лицей, коллеж ва олий ўқув юртларига кириш учун тайёргарлик кўра бошлашди. Ўқувчилар ёзги таътилни Тошкент шаҳридан ташқарида жойлашган болалар дам олиш оромгоҳларида ўтказишни режалаштирадилар. Лекин мактаб ўқувчиларининг барчасининг оромгоҳларга бориш имкониятлари йўқ. Фарзандларимизнинг кўпчилик қисми ўз уйларида, яъни маҳаллаларда ёзги таътилни ўтказишади. Шу маънода маҳалла ёшлари ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячилар» зиммаларига масъул вазифалар юклатилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.**

Жумладан, Ҳамза туманидаги «Тарновбоши» маҳалласи гузарида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими қошидаги «Ёшларнинг ҳуқуқий савиясини ошириш» мажмуаси ва «Посбон» маркази ташаббуси билан маҳалла ҳудудида фуқаролар осойишталигини таъминлаш, жиноятчилик, гиёвандликнинг олдини олиш, маҳаллаларда истиқомат қиладиган тарбияси оғир, ички ишлар идораларида профилактик рўйхатда турувчи вояга етмаганлар ва ёшлар билан тарбиявий ишлар олиб бориш, ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, ёшларнинг бўш вақтидан унумли фойдаланиш муаммоларини ҳал қилиш мақсадида, Ҳамза тумани ҳудудидаги маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг сардорлари ва педагог-тарбиячилар билан ўқув-семинар машғулотлари ўтказилди.

Тадбирда Миробод туманида вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар таҳлили муҳокама қилинди ва уларнинг келиб чиқишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида семинар қатнашчилари билан очиқ мулоқот олиб борилди.

Ўқув-семинар машғулотларини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими қошидаги «Посбон» маркази раҳбари Муҳиддин Турсунбоев ва «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази раиси Наргиза Тўхтаева, Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» марказининг ҳуқуқшунос-маърузачиси Али Амриев ва Тошкент шаҳар ИИББ Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси Вояга етмаганлар билан ишлаш гуруҳи бошлиғи, милиция капитани Бахтиёр Байменовлар олиб боришди.

Анжуман сўнгида қатнашчиларга «Хавфсизлик», «Гиёвандлик» ва «Ўз уйингни, ўз юртингни ўзинг асра ва ҳимоя қил» мавзусидаги видео тасмалар кўрсатилди ва саволларга жавоб берилди.

**Шоҳиста МАҲМУДОВА**

• ҲУҚУҚ

# Ибратли ишлар

**Киши ўз ҳақ-ҳуқуқини нечоғлик яхши билиши билан бирга ўзгалар ҳуқуқини ҳам ҳурмат қилиши лозим. Бурч ва масъулият тушунчасини яхши англаган, қонунларга доимий риоя қилган ҳар бир фуқаронинг иши доимо юришади. Ҳозирги пайтда ёшларимизнинг бу борадаги саводхонлигини ошириш мақсадида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой туман кенгаши вакиллари ташаббуси билан ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида ҳуқуқий маслаҳатхонанинг очилиши айни муддао бўлди.

Ушбу маслаҳатхонада нафақат ўргатилади, балки ўсмир йигит-қизларимизнинг саволларига уларни қизиқтирган мавзулар юзасидан атрофлича жавоблар берилади.

— Ёшларимизнинг фикрлари кўпчилик ҳолларда бир-бирига тўғри келиши табиий. Чунки улар тараққиёт шиддат ила ривожланаётган давр ёшларидир. Шунга амал қилган ҳолда бизнинг ҳуқуқий маслаҳатхонада Тошкент Давлат юридик институти 4-курс талабаси Иқбол Азизов ўз тенгдошларига ҳуқуқ соҳасида тушунтиришлар бериб келмоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой тумани бўлими раиси Мурод Атамуродов. — Биз шунингдек, айни пайтда туманимизда жойлашган ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда касб-ҳунар коллежлари етакчилари билан биргаликда ҳуқуқий соҳа юзасидан давра суҳбатлари ҳам ўтказдик. Бу борада Енгил саноат касб-ҳунар коллежи талабаси Шаҳло Ҳамидова, Тижорат коллежи фаол талабаси Муниса Шукурова ҳамда 3-касб-ҳунар мактаби етакчиси Дилдора Мусаевалар бизга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Келажак ҳар томонлама етук ёшлар қўлида экан, уларга оз бўлса ҳам меҳнатимиз сингганлигидан хурсандмиз.

**Моҳира ШОДМОНОВА**

• БИР ТУМАНДАН ХАБАРЛАР

# Маҳалла баскетболчилари беллашди

Ёшларни соғлом турмуш тарзида ўстириш, уларни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш, спортга бўлган қизиқишларини кучайтириш мақсадида Сергели тумани маҳаллалари ўртасида баскетбол турнири ўтказилди. Турнирни ташкил этишда маҳаллаларда фаолият кўрсатиб келаётган туман педагог-тарбиячилар фаол иштирок этди.

Мусобақанинг финал босқичида «Ўзгариш», «Гулистон», «Тинчлик», «Ёшлик» маҳаллаларининг жамоалари қатнашди. Турнир қизиқарли, жамоаларнинг ғайрат, шижоатли ўйинлари билан давом этди. Айтиб ўтиш лозимки, баскетбол бўйича мусобақада нафақат эркаклар, балки аёллар жамоалари ҳам қатнашди. Эркаклар ўртасида «Тинчлик» маҳалласи жамоаси ғолиб бўлди. Аёллар ўртасида эса «Ўзгариш» маҳалласи баскетболчилари биринчи ўринга сазовор бўлди. «Камолот» ЁИҲ Сергели туман бўлими томонидан турнирда ғалаба қозонган жамоаларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

# ФОЙДАЛИ ЎҚУВ СЕМИНАРИ

Сергели туманидаги Амир Темур маҳалласида педагог-тарбиячилар ҳамда маҳалла посбонлари сардорлари учун ўқув семинари ўтказилди.

Анжуманда ёшларни соғлом руҳда тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, маънавий баркамол инсонлар бўлиб етишишларида педагог-тарбиячиларнинг маҳаллаларда олиб борадиган ишлари тўғрисида батафсил сўз юритилди. Маҳаллаларда ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий савиясини ошириш, уларга қонун устуворлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида мулоҳазалар билдирилади. Педагог-тарбиячилар ҳамда маҳалла сардорларининг вазифалари, бурчлари ҳақида баҳс мунозара шаклида суҳбат ўтказилди.

Педагог-тарбиячилар ҳамда маҳалла сардорларининг келажакдаги фаолиятларида бундай ўқув семинарлари катта аҳамиятга эга.

**(Ўз мухбиримиз)**

• ЮРГАН — ДАРЁ

# ЁШЛАР САФАРГА ЖЎНАДИ

**Юрт кезиш, унинг қадамжолари билан яқиндан танишиш, инсоннинг маънавий дунёсини бойитишга катта ёрдам беради. Халқимизда бир яхши нақл бор «Юрган —дарё, ўтирган — бўйра».**

Сергели туманида яшовчи Акром Абдусаматов ҳамда Ботир Саидовлар ҳам ана шундай маънавиятга интилувчи оловқалб ёшлардан. Бу иккала йигит мамлакатимиздаги вилоят, туман ва шаҳарларни, улардаги зиёратгоҳ жойларни, чўлу биёбонларни, осмонўпар тоғларни айланиб чиқишни ўзларига мақсад қилиб олишган. Бу сафардан кўзланган асосий мақсад ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва улар онгида Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини янада кучайтиришдан иборат.

Куни кеча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида ушбу икки ёшни сафарга кузатиш маросими ўтказилди.

Марказий Кенгаш ва ҳаракатнинг жойлардаги бўлимлари томонидан ушбу саёҳатчиларга ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ёрдам кўрсатиш ва ёшлар билан учрашувлар, маданий тадбирларни ташкил этиш вазифаси юклатилди.

— Биз 5000 километр масофани пиёда босиб ўтиб, Оролбўйи ҳудудида яшовчи ёшлар билан ҳам учрашиш ниятидамиз. Тенгдошларимизни бир мақсад атрофида бирлаштириб, биргаликда олдинга интиламиз, — дейди Акром Абдусаматов.

Биз ҳам уларга оқ йўл тилаб қоламиз.

**Орзугул РУСТАМОВА**

• САХОВАТ

**Келажак ворислари бўлмиш ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмак бериб келаётган «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ва туман бўлимлари томонидан қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.**

# Унутилмас таассурот қолдирди

Жумладан, «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман бўлими, «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази томонидан яқинда туман маҳаллаларидаги кам таъминланган оила фарзандлари учун уюштирилган тадбир ҳам айнан ана шу мақсадни ўзида мужассам этди.

Ушбу тадбирда наинки болажонлар, балки катталарнинг ҳам энг севимли дам олиш масканларидан бўлмиш «Тошкентленд» истироҳат боғига бепул саёҳат ташкил этилиб, унга 300 нафар ёшлар ва 40 дан ортиқ педагог-тарбиячилар таклиф этилди.

— Ушбу саёҳатни ташкил этишдан мақсадимиз болажонларимиз кўнглига илиқлик бахш этиш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдир, — дейди туман «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази раиси Гульмира Шорустамова.

«Бахтли болалармиз» деб номланган ушбу тадбирдан қатнашчилар бир олам завқ олдилар, ранг-баранг ўйинчоқлару, қувноқ баландликларда мазза қилиб учиб, дилдан яйрадилар.

— Бугунги кун мен учун энг унутилмас бўлиб қолади, — дейди тадбир иштирокчиси Нигора Маҳкамова, — «Тошкентленд»да байрам қилишни, арғимчоқларда учишни орзу қилардим. Ҳамма дугоналарим номидан тадбир ташкилотчиларига раҳмат дейман.

**Феруза БАХРОМОВА**

«Тошкент оқшоми»
## Ҳуқуқий Маслаҳатхонаси

# Қонунга ҳурмат ва итоаткорлик – ҳаёт мезони

**(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)**

( Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

## 4.3. Умрбод таъминлаш шарти билан уйни (квартирани) бошқа шахсга бериш шартномаси

**110. Кексайиб қолганлиги ёки соғлиғи яхши эмаслиги сабабли меҳнатга лаёқатсиз одам ўзини умрининг охиригача боқиб парваришлаши, яшашига жой бериши, таъминотини тўлиқ зиммасига олиши, бошқа мурувват ва зарур ёрдам кўрсатиб туриши эвазига ўз уйини ёки квартирасини муайян шахсга беришга жазм этса, бунда ҳам шартнома тузиш талаб қилинадими?**

Фуқаролик муносабатларида ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларга асосланиш турмуш тарзини белгиловчи асосий мезондир. Шу боис саволда зикр этилган ҳолат ҳам шартнома тартиби билан қамраб олинади.

***Фуқаролик кодексининг 530-моддасида*** белгиланганидек, умрбод таъминлаш тартиби билан уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, бир тараф (олувчи) ёши ёки соғлиғи туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа тарафни (бошқа шахсга берувчини) натура ҳолида (яшашига жой бериш, овқатлантириш, парваришлаш ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади, бошқа шахсга берувчи эса олувчига уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади.

Бундай шартнома бўйича бошқа шахсга берувчидан олинган уйнинг (уй бир қисмининг), квартиранинг тасодифан нобуд бўлиши олувчини шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилмайди.

**111. Шартноманинг бу шакли бошқа шартномалардан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?**

Умрбод таъминлаш шарти билан уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасида:

бошқа шахсга берувчига қандай моддий таъминот турлари берилиши;

бериладиган моддий таъминот турларининг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси;

уйнинг (уй бир қисмининг), квартиранинг қиймати кўрсатилиши лозим. Бунда қиймат тарафлар келишуви билан белгиланади.

Шартнома ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши лозим.

Умрбод таъминлаш шарти билан уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ олувчи шартнома амал қилиб турган даврда:

бу уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани сотиш, ҳадя қилиш, гаровга қўйишга;

уйга (уйнинг бир қисмига), квартирага бўлган мулк ҳуқуқини оғирлаштирадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Олувчининг қарзлари бўйича ундирувни бу уйга (уйнинг бир қисмига), квартирага қаратишга йўл қўйилмайди.

**112. Шартноманинг бу шакли ўзгартирилиши ва бекор қилинишига сабаб бўладиган асослар нималардан иборат?**

Уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани олувчи умрбод таъминлаш шарти билан уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга берувчи таъминотни вақти-вақти билан ҳақ тарзида тўлаб туришга алмаштиришни ёки шартномани бекор қилишни талаб қилиши мумкин.

Олувчининг талабига кўра шартноманинг бекор қилиниши учун қуйидаги икки ҳолатдан бири, хусусан:

олувчининг моддий аҳволи ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра берувчига шартлашилган таъминотни бера олмайдиган даражада ўзгарганлиги;

берувчининг меҳнат қобилияти тикланганлиги асос бўлади.

Тарафлардан бири шартномани жиддий равишда бузса, бинобарин иккинчи тарафга уни шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум қиладиган тарзда зарар етказилса, иккинчи тарафнинг талаби билан шартнома суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Бу қоида шартномаларнинг бошқа барча турларига ***(11 –12, 103 – 109 ва 113 – 132-саволларнинг жавобига қаранг***) ҳам татбиқ этилади.

Ана шундай асослар бўйича шартнома бекор қилинган тақдирда уй (уйнинг бир қисми), квартира эгасига қайтарилиши лозим.

(Давоми бор)

• МУЛОҲАЗА

# Тўғри яшамоқ саодати

**Донишмандларнинг айтишларича, бола мевага, ота-она эса дарахтга ўхшайди. Дарахтни яхши парвариш қилсанг, мевасидан баҳраманд бўласан. Шунингдек, ота-онангнинг иззат-ҳурматини жойига қўйсанг, фарзандларинг ҳам сенга оқибат кўрсатади.**

Ҳақиқатан ҳам, ота — улуғ, она мўътабар зотдир. Улар берадиган тарбия ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Айни пайтда ота-она юзини ерга қаратиш ҳам оқил фарзанднинг иши эмас. Отангни қўлингда кўтарсанг, онангни бошингда кўтаргин, деган гап бежиз айтилмаган. Биз, ўзбеклар гўдакликда оқ сут бериб, ўз меҳрию умрини фарзандига бағишлаган оналаримизни доимо қадрлаймиз. Авайлаб ўстирган, тарбия берган отамизни ардоқлаймиз. Бу фазилат миллий ўзлигимиз, қадриятларимиз ичидаги энг улуғидир.

Афсуски, беш панжа баробар эмас, деганларидек, барча оилалар ҳам бу борада бир хил эмас. Яқинда пойтахтимиздаги Қариялар уйига борганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик. Ота-оналарнинг кексайиб, меҳр-мурувват, ёрдамга зориққан пайтида фарзандлари томонидан ташлаб кетилишини, одатда, Ғарб аҳлига мос, деб билардик. Аммо бу ерда умргузаронлик қилаётган кексалар орасида ўзбеклар ҳам борлигини кўриб, ўйланиб қолдик. Тўғри, бу масканда кексаларнинг кўнглини олиш, уларнинг фаровон яшаши учун барча шароитлар муҳайё этилган. Давлатимизнинг бераётган улкан эътибори ўлароқ, кексалар ардоқда. Шинам, озода ётоқхоналар, дам олиш жойлари, сархил овқатларга бой ошхона, бир-биридан меҳрибон ва назокатли шифокору ҳамширалар, хизматчилар. Барчаси тўкис, барчаси муҳайё. Кексалар доимий эътиборда, меҳр-мурувват оғушида. Ҳаммаёқ саранжом-саришта.

Лекин, бунда бир ўксиклик ва хомушлик ҳам йўқ эмас. Остона ҳатлаб, киришингиз билан бу хомушлик сизга ҳам ўтади. Эътибор бердим: боягина ҳазил-мутойиба билан шодон келаётган тенгдошларимнинг ҳаммаси бирдан маъюс тортиб қолди. Улар кексаларнинг кўзидаги мунгни кўриб, шундай ҳолга тушган эди. Қарияларнинг юз-кўзидаги бу маъюсликда соғинч, ўкинч, афсус ва ночорлик бор эди. Инсон ўзини ёлғиз ва нотавон сезганида, чорасиз қолганида шундай аҳволга тушса керак. «Бечораларни болалари ташлаб кетган!» деб шивирлади ҳамроҳларимдан кимдир. Бу гап рост эди. Дунёда фарзанд учун ота-она меҳридан тафтлироқ нур йўқ. Бироқ, ота-она учун ҳам бу оламнинг мунавварлиги фарзандлар меҳри ва муруввати, эътибори ва оқибати биландир.

Биз йўл-йўлакай харид қилганимиз арзимасгина совға-саломларимизни ҳадя этганимизда, уларнинг юз-кўзлари қувончдан чарақлаб кетди! Айримларининг, ҳатто кўзлари ёшланди ҳам: «Раҳмат, она қизим! Умрингдан барака топ!»

Аммо менга ҳали-ҳамон айрим саволлар тинчлик бермайди. Нега бу инсонлар ёши бир жойга етганида бундай ҳолга тушди? Нега улардан фарзандлари юз ўгирди? Юз ўгирмаган бўлса-да, Қариялар уйига ташлаб кетди? Ахир ўзбекка, мўмин-мусулмонга хос иш эмас-ку, ота-онасини кексайганида бировлар қўлига ташлаб қўйиш!

Саволларимга ҳар гал ҳар хил жавоб топгандек бўламан. Бунда, албатта, бемеҳр фарзандларни ёки ўз вақтида болалари тарбиясига тузукроқ эътибор бермай, умрини «ялло» қилиб ўтказган ота-онани айблашдан осони йўқ. Бошқача айтганда, «ҳар ким экканини ўради», дейиш ҳам мумкин.

Шунда хаёлимга китобда ўқиганим бир ибратли гап келади. Донишманддан сўрабдиларки, «Бахт недур?».

— Бахт тўғри яшамоқдадур.

— Тўғри яшамоқ недур?

— Тўғри яшамоқ меҳр-оқибатли бўлмоқдадур.

Одамлар бир-бирига меҳр-оқибатли бўлса, бошига кулфат ва муаммолар камроқ тушади. Тушса ҳам уларни енгиши осон бўлади. Саодатли умр кечиради. Менинг Қариялар уйида кўрганларимдан чиқарган хулосам — шу.

**Юлдуз РИЗАЕВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги академик лицей ўқувчиси.**



**Ҳунар — ҳунардан унар, дейди халқимиз. Ҳақиқатан ҳунарли киши ҳеч қачон хор бўлмайди.. Шу мақсадда бугунги кунда ёшларимизнинг кўпчилиги касб-ҳунар эгаллашга интилишмоқда. Шаҳримиздаги Абулқосим мадрасасида жойлашган Халқаро «Олтин мерос» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими қошида ташкил топган «Ёш ҳунармандлар» марказида ҳам ёшлар турли хил ҳунармандлик сирларини ўрганишмоқда.**

**СУРАТДА: ёшлар ўзлари ясаган буюмларни бир-бирларига намойиш этиб, ўзаро фикр алмашишмоқда.**

# «ЭКОСАН» МАҲАЛЛАДА

**Шу номдаги дастурга мувофиқ Собир Раҳимов туманидаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси майдонида Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Давлат техника университети оилавий ётоқхоналарида истиқомат қиладиган етти ёшгача болалар ўртасида «Соғлом болалик, спорт ва экология» номли мусобақа ўтказилди.**

«Экосан» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳамкорлигида ўтказилган мусобақада 200 дан ортиқ боғча болалари ва 1-синф ўқувчилари иштирок этишди. Тадбир иштирокчилари югуриш, турникда тортилиш, ҳалқага тўп ташлаш ва шашка, ҳалқани айлантириш турлари бўйича беллашишди. Югуриш бўйича Ваҳоб Аҳматов, ҳалқани айлантириш бўйича Азиза Худойқулова, ҳалқага тўп ташлаш бўйича Ойбек Ғаниев, шашка бўйича Равшан Хурсандовлар 1-ўринни эгаллашди.

Ғолибларга шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ва «Экосан» халқаро жамғармаси шаҳар бўлимининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## Спорт

### Соғломжон—полвонжон

Фарзандларимизнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларига имкон яратиш мақсадида пойтахтимиздаги мактабгача тарбия муассасаларида ҳам тарбияланувчилар ўртасида турли хил спорт тадбирлари ўтказиб келинаётганлиги қувонарли ҳолдир. Яқинда Акмал Икромов туманидаги 453-боғчада жажжи кичкинтойлар иштирокида уюштирилган спорт тадбири «Соғломжон—полвонжон» деб номланди. Туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан ташкиллаштирилган ушбу тадбирда тумандаги 6 та боғчалардан ташриф буюрган болажонлар узунликка сакраш, найзани узоққа улоқтириш, югуриш ҳамда кураш мусобақаларида беллашиб ҳакамлар ҳайъатига эпчиллигу чаққонлик, зукколигу топқирлик борасидаги иқтидорларини намоён этишди. Байрамона руҳда қизиқарли ўтган ушбу тадбир якунида мутасаддилар томонидан таъсис этилган совғалар кичкинтойларга тақдим этилди. Муҳими боғчалар тарбияланувчилари иштирокида эндиликда футбол, волейбол, баскетбол турнирларини ҳам ташкил этиш мутасаддилар томонидан келишиб олинди.

### «ТВ—ёшлар» — спартакиада ғолиби

Пойтахтимизда Ўзтелерадиокомпанияси жамоалари ўртасида ташкиллаштирилган спартакиада мусобақаларининг футбол турнири ниҳоясига етди. Ғолиблик учун курашган 11 жамоа орасидан «Амалдор», «Ойнаи жаҳон», «ТВ—ёшлар» ҳамда «Тўлқин» бошқалардан маҳоратли эканликларини исботлаб ярим финалгача етиб келишди. Турнир ғолиблиги учун «ТВ—ёшлар» — «Тўлқин» жамоалари орасида муросасиз ўйин 3:2 ҳисобида «ТВ—ёшлар» ғалабаси билан якунланди. Чунончи, учинчи ўрин учун майдонга тушган «Ойнаи жаҳон» — «Амалдор» жамоалари учрашуви эса кўпчиликни кутганидек «Амалдор»нинг ғалабаси билан якунланди.

### Бангкокка боришади

Тез кунларда Таиланднинг Бангкок шаҳрида бокс бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари бошланади. Ушбу нуфузли турнирда қатнашиб совринли ўринларни қўлга киритишни ният қилган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ўқув-машғулот йиғинларини ниҳоясига етказишмоқда. Дарвоқе, ушбу нуфузли турнирга мамлакатимизнинг етакчи чарм қўлқоп усталари Ўткирбек Ҳайдаров, Икром Бердиев, Сергей Михайлов, Беҳзод Ҳидиров, Рустам Саидовлар билан бирга иқтидорли ёшлардан Шерзод Ҳусанов, Дилшод Маҳмудов, Тўлаш Дониёров, Отабек Мамажоновлар ҳам ташриф буюришади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

Собир Раҳимов туманидаги Охунбобоев участкаси бекати ёнида жойлашган қурилиши тугатилмаган 11 сотихли уй

**СОТИЛАДИ.**
**Телефон: 48-22-52; 111-03-53**

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 107-ўрта мактаб томонидан 2003 йилда Сауленко Альбина Сергеевна номига берилган OR-V 0005476 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**• МАЪНАВИЯТ**

**Болалар — бизнинг эртамиз, келажагимиз. Уларни ҳар жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялашда кичкинтойлар учун яратилган асарларнинг тарбиявий аҳамияти беқиёсдир. Шундай китоблар борки, ҳар бир бола ундан мароқ олади ва чин маънодаги изланувчан китобхон бўлишга уринади. Айрим асарлар эса аксинча, ўқувчини бездиради. Билим манбаидан баҳраманд бўлмаган мурғак вужуднинг табиийки, маънавий соғлом бўлиб камол топиши маҳолдир. Шунинг учун бугунги кунда келажагимиз ворисларини баркамоллик руҳида камол топтиришда даставвал болалар адабиёти ўз долзарблиги билан жиддий эътибор талаб қилмоқда.**

# Бугунги кун талаби

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида 2002 йилда болалар адабиёти бўйича чоп этилган асарлар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиллик анжуман алоҳида диққатга сазовордир. Тадбирда болалар адабиёти соҳасида фаолият олиб бораётган йирик мутахассислар, ёзувчи ва шоирлар, нашриёт ходимлари, олий ўқув юртларидан талабалар иштирок этдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Болалар адабиёти кенгаши раиси Носир Фозилов олиб борди. Унда ўтган йил давомида болалар адабиёти соҳасида эришилган ютуқлар, бу борадаги асарларни чоп этишда нашриёт ишларининг бориши, дарсликлар масаласи ва мавжуд муаммолар атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилишда педагогика фанлари доктори, профессор Сафо Матчон томонидан 2002 йилда болалар адабиёти ижодкорлари томонидан яратилган асарлар ва уларнинг сифат даражалари таҳлилига бағишланган ҳисобот тингланди.

— Ҳозиргача болалар адабиётида яратиладиган шеърлар катталар адабиётидан фарқли ўлароқ, ўзига хос содда, оддий шаклда бўлиши керак, деган тушунча ўрнашиб қолган эди, — деди Сафо Матчон ўз сўзида. — Лекин ҳозирги даврда яратилган баъзи асарлар бу фикрнинг нотўғри эканлигини тасдиқламоқда. Чунончи, истеъдодли шоирларимиздан Анвар Обиджоннинг айрим шеърлари ғазал шаклида ёзилган бўлса-да, ҳар жиҳатдан талабга жавоб беради. Демак, кичкинтойларга бағишлаб яратилаётган шеърлар қандай шаклда яратилиши эмас, балки қандай масалани кўтариш ва уни ўқувчига етказиши муҳим.

Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққан нашриётлар ходимлари ҳам болалар учун яратилган асарларни чоп этиш ва кенг ўқувчилар оммасига ёйиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўзлашди.

Тадбир давомида Пўлат Мўмин, Анвар Обиджон, Кавсар Турдиева, Рустам Мусулмон каби болажонларнинг севимли ижодкорлари сўзга чиқиб, мавзу доирасида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Улар томонидан ўқилган ижод намуналари эса даврага янада файз киритди.

Анжуман сўнггида йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан таклифлар киритилди ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар юзасидан зарурий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Муаззам ДАДАХОНОВА,**
**талаба.**

**• ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ**

**Бу йил ёғингарчилик ва намгарчиликнинг мўл бўлиши муносабати билан ҳашаротларнинг ҳам кўпайиши кузатилди. Улар ичида инсон учун эпидемиологик ва иқтисодий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлганлари хонаки, яъни синотроп ҳашаротлардир. Улар одамларга яқин жойларда, уй ва ҳовлиларда яшаб, кўпайгани сабабли хонаки ҳашаротлар деб номланган. Бундай ҳашаротларга пашша, чивин, суварак, бурга, кандала, кана, чумоли кабилар киради.**

# СУВАРАКЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Мамлакатимизда сувакларнинг малла, Туркистон ва Америка сувараги каби турлари тарқалган. Сувараrларнинг сони жуда кўп бўлган ҳолларда улар бутун бинога тарқаладилар. Улар яшаш ва кўпайиш учун қулай ҳарорат, намлик ва етарли озиқ-овқат бўлган жойларда яшайдилар. Сувараклар кечки пайт ва тунда фаоллашадилар, кечқурун одамлар бўлмайдиган хоналарни маъқул кўрадилар. Сувараклар кам овқат ейдилар, уларнинг вақти асосан теварак-атрофни пайпаслаш билан ўтади. Озиқсиз уларнинг эркаги бир ойгача, урғочи ва личинкалари эса 10 кунгача яшайди. Сувараклар ҳамма нарсани: озиқ-овқат маҳсулотлари, чиқиндиларни, қоғоз, елим, мато, тери, совун ва бошқа нарсаларни ҳам еяверадилар.

Сувараклар бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриб, ўз таналарида, оёқларида турли касаллик қўзғатувчи микробларни тарқатади, баъзан аллергик касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунингдек, сўлаклари ва чиқиндилари билан озиқ-овқат ва идиш-товоқларни, теварак-атрофларни ифлослантиришга сабаб бўладилар.

Сувараклар билан курашишнинг энг қийин томони уларнинг тез кўпайиши билан боғлиқ. Чунки улар ўз ҳаёти давомида 4-6 марта тухум қўяди. Ғумбакларнинг ҳар биридан 20 дан 40 тагача, баъзан 50-60 тагача қурт чиқади. Қуртларнинг 80-90 фоизи яшаб кетади.

Суваракларга қарши курашиш ўз ичига санитария-гигиена ва қириш чора-тадбирларини олади.

Санитария-гигиена тадбирлари асосан турар жойларимизни, ошхона ва емакхоналарни тоза сақлаш, чиқиндиларни ўз вақтида йўқотиш, намгарчилик пайдо қилмасликдан иборат. Шунингдек, деворлардаги тешик ва ёриқларни тузатиш, гулқоғозларнинг кўчган жойларини яхшилаб елимлаш лозим.

Сувараклар борлиги аниқланса, уларга қарши курашиш билан бирга идиш-товоқларни, озиқ-овқат қутиларини иссиқ сувда ювиш лозим.

Суваракларга қарши кимёвий дорилар ишлатиш зарур. Бунинг учун жойлардаги туман дезинфекция станцияларига мурожаат қилинг.

**Шоира ҚОСИМОВА,**
**Акмал Икромов туман дезинфекция станцияси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди.**

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР** ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**2003-2004 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида Тошкент шаҳрида 2003 йил 8 июлдан 24 июлгача иссиқ сув истеъмолчиларининг имкониятларини чекламаган ҳолда иссиқлик тармоқлари механик мустаҳкамлиги ва зичлиги (юқори босим) синовдан ўтказилади:**

**8 июлда**

**5-ИМ** — Чилонзор турар жой даҳаси 6-12, Ц, Г9А, 16-20А мавзеларининг ҳудудлари, Оқтепа, Қизил-Шарқ, Дўмбробод, Наққошлик, Новза-Қозиробод, Фарҳод, Волгоград, Муқимий, Я. Купала турар жой даҳаларида;

**6-ИМ** — Қўйлиқ-1,7, Қўйлиқ-Обводная турар жой даҳаларининг ҳудудлари, Мунис, Янгизамон, Ҳ. Олимбеков, Бехтерев, А. Фитрат кўчаларида;

**9 июлда**

**7-ИМ** — Авиақурувчилар шаҳарчаси ҳудуди, Гўзал-1,2,3,4, уй-жой қурилиши, Слоним-1,2 турар жой даҳалари, Слоним, Лисунов, Бирлашган, Шолохов кўчаларида;

**ИЭМ** — Ш. Рашидов шоҳкўчаси ҳудуди, М-7, Муқимий, Арнасой, Ш. Исломов, Аския, Бобур, С. Мираҳмедов, У. Носир, Афросиёб кўчалари, Чилонзор даҳаси 1,2,3,4,5, Е, И, мавзеларида;

**«ТТЗ» Давлат акционерлик бирлашмасининг қозонхонаси** — ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий турар жой даҳаларининг ҳудудлари, Буюк Ипак йўли, Гулсанам, Белоножко, Аҳиллик кўчаларида;

**10 июлда**

**4-ИМ** — Юнусобод турар жой даҳаси 1-19-мавзеларининг ҳудудлари, А. Темур, Каймаков, А. Дониш, Муродов, Висоцкий кўчаларида;

**11 июлда**

**3-ИМ** — Чорсу, Бешёғоч, Олмазор, Қоратош, Б-1,2,3, М-10,11,14, М-26,27,28 турар жой даҳалари ҳудудлари, Навойи, Халқлар дўстлиги, Абай шоҳкўчалари, Ўзбекистон, Беруний, Ниёзов, Генерал Узоқов кўчаларида;

**14 июлда**

**1-ИМ** — Яланғоч, Бўз-1 (Черданцев-1) турар жой даҳаларининг ҳудудлари, ТошГРЭС шаҳарчаси, Академик Ҳ. Абдуллаев, Ж. Обидова, Раҳматуллин, Ф. Хўжаев, Мўминов, Муҳитдинов кўчаларида;

**15 июлда**

**1-ИМ** — Пушкин-Пишпек, Чизель, Пушкин-Салор, Генерал Петров, «Тошқишлоқмаш» турар жой даҳаларининг ҳудудлари, Буюк Ипак йўли, Сайрам, Мўминов, Полковник Муҳитдинов, Эргашев, Оққўрғон, Пушкин, Академик Ҳ. Абдуллаев, Доғистон, Раҳматуллин, Ф. Хўжаев кўчаларида;

**10-ИМ** — Шифокорлар шаҳарчаси, Олимпия, Талабалар шаҳарчаси, Тансиқбоев-1,2,3, Қорақамиш-2/2, 2/3, 2/4, 2/5, Белтепа, Ибн-Сино 1,2, ЎзМУ — ТошДТУ турар жой даҳаларининг ҳудудлари, Форобий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб кўчаларида;

**16 июлда**

**4-ИМ** — М-5,6,12,13,15, М-17,18 (Себзор), Қорақамиш-1/1, 1/2, 1/3, 1/4 турар жой даҳаларининг ҳудудлари, Юнусобод даҳасининг 2-мавзеси, Тахтапул, Ҳ. Олимжон майдони, А. Қодирий, Хуршид, Ғ. Ғулом, Бобожонов, А. Темур, Ҳ. Асомов, Эргашев, Г. Мавлонов, Муртазоев, Ж. Обидова, Бодомзор, Шаҳристон, Ҳ. Олимжон, Пушкин, Шамсутдинов, А. Хидоятов, Ҳасанов кўчаларида;

**17 июлда**

**8-ИМ** — Сергели 1-8А, Спутник-8,15,16,17, Дўстлик-1,2 турар жой даҳалари ҳудудларида;

**21 июлда**

**9-ИМ** — Чилонзор турар жой даҳаси 13-15, 21-24, 30,31-мавзеларининг ҳудудлари, Қизил-Шарқ, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч турар жой даҳалари, Х. Турсунқулов кўчасида;

**22 июлда**

**2-ИМ** — Ҳумоюн, Қорасув-1,2,3,4,6, Бўз-2 (Черданцев-2), Феруз турар жой даҳаларининг ҳудудлари, Геофизиклар шаҳарчаси, Қодиров, Т. Малик, А. Матқобулов, Академик Ҳ. Абдуллаев, Иркутск кўчаларида;

**ИЭМ** — Бошлиқ, Қушбеги, Авиасозлар шаҳарчаси турар жой даҳаларининг ҳудудлари, Бобур, Нукус, Афросиёб, Глинка, М-1,2,4,5, Локомотив, Лоҳутий, Ҳ. Умаров, Мовароуннаҳр, Шевченко, А. Тўқай, Шаҳрисабз кўчаларида;

**24 июлда**

**ИЭМ** — Ш. Рашидов шоҳкўчасининг ҳудудлари, М-7, Муқимий, Арнасой, Ш. Исломов, Аския, Бобур, С. Мираҳмедов, У. Носир, Афросиёб кўчалари, Чилонзор даҳасининг 1,2,3,4,5, Е, И мавзеларида.

**Кувур ўтказгичларнинг носозлиги туфайли баъзи жойларда сув йиғилиб қолиши эҳтимоли бор. Шу боисдан ҳайдовчилардан ва йўловчилардан катта эътибор талаб этилади. Кузатилган камчиликлар тўғрисида 133-32-32, 115-29-26 телефонлари орқали маълум қилишингизни илтимос қиламиз.**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4204 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-547. Топширилди 12.40 1 2 3 4 5 6